

Ҳашар элга ярашар



Ҳашар элга ярашар

Тўрт томони пурвиқор тоғлар билан ўралган гўша, вилоятимизнинг энг чекка ва сўлим маскани – Сухда аҳоли учун баҳорнинг илк кунларини ободчилик ишлари билан кутиб олиш яхши анъанага айланиб қолган. Туманда ташкил этилаётган оммавий ҳашарлар бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳушёр маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирзоамин Ифтихоновнинг маълумотига кўра, ҳудуддаги Ҳушёр, Қақир, Себзор маҳаллалари аҳолиси учун сув олтинга тенг неъмат саналади. Чунки суғориш даврида маҳаллий аҳоли сув танқислигидан кўп азият чекишади. Қувонарлиси, ҳукуватимиз эътибори туфайли ушбу муаммонинг бартараф этилишидаги ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Ҳушёрликлар асосан маҳаллада жойлашган сув олиш иншооти орқали ушбу неъматдан фойдаланишади. Муаммони бартараф этиш мақсадида ушбу иншоот ўтган йили таъмирланиб, бу ишларга давлатимиз томонидан 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу эса, сув танқислигини олдини олинишида катта аҳамиятга эга.

Ҳам аҳоли ва ҳам қишлоқ хўжалиги вакиллари – ижарачи ва фермерлар суғориш пайтида маҳалладаги ягона сув йўли - каналдан фойдаланишади. Сув танқислигини олдини олиш учун ҳам ушбу ҳаёт йўли таъмирланиши ва тоза бўлиши лозим. Бу масалани теран англаган ҳушёрликлар икки кун давомида ҳашарга чиқишди. 1 000 кишидан ортиқ ҳашарчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишлари боис, умумий узунлиги 3 километр бўлган канал турли хил чиқиндилардан тозаланди. Иш жараёнида каналнинг таъмирталаб ҳудудлари аҳоли ташаббуси асосида таъмирланди.

“Ҳашар ота-боболаримиздан қолан умрбоқий удум саналади. Қишлоғимиз аҳолиси сув қадрини яхши билгани боис, барча ҳашарчилар икки кунга қолмасдан, канални буткул тозалашди. Ҳашарда асосан маҳалламизнинг ёшлари иштирок этишди. Уларга барча маҳалла нуронийлари номидан катта раҳмат”- дейди 92-ёшли отахон Неъматжон-ота Мирзохўжаев.

Ҳа, “кўпчиликда гап кўп” деб бежиз айтилмаган доно халқимиз. Кўпчиликнинг ишида унум ва барака бўлиши ҳам ташкил этилган ҳашарда ўз ифодасини топди.

